

ВАҚФ МУЛКЧИЛИГИНИНГ ТУРКИСТОН ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ СОБСТВЕННОСТИ ВАҚФ В ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНА

ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN

Irodaxon GAFUROVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, PhD student
gafurova_irodaxon@iiu.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/TLOI/2020/3/7

Аннотация: Мақоланинг асосий мақсади Туркистон худудларида, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Хоразм, Тошкентда мансабдорлар ва оддий халқ орасидаги турли қатлам вакиллари томонидан имзоланган масжид ва мадрасалар учун қўчмас мулк, пул миқдори, ерлар вақфномалари ҳужжатлари ҳақида маълумот беришдир. Маълумки, вақфлардан тушган даромаддан масжид ва мадрасалар таъмири, қайта тикланиши ва сақлаш, муаззин ва имомларга ойлик тўлаш, мадраса толибларига стипендия тўлаш учун сарфланган.

Методлар: тадқиқотда тарихий, таққослаш ҳамда солиштирма таҳлил усулларида фойдаланилган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида минглаб вақфномалар имзоланиб, ҳозирги кунда архивда сақланади. Ушбу вақфномаларни ўрганиш натижасида у ёки бу масжид ёки мадрасага қанча миқдорда вақф ажратилгани, ким томонидан ажратилгани, қерда ва ким томонидан имзолангани ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Мақолада тарихий аҳамиятга молик турли ҳужжатларга асосан Ўрта Осиёда ислом тарқалиши билан бу ерларда вақфга ерлар, қарвонсарой, дўкон, ҳаммом, тегиримон, жувозхона ва бошқа фойда келтирувчи қўчмас мулклар, пул ва китоблар тадқиқ этилган. Ислом тарқалган илк асрларда ҳозирги Наманган худудида вақфга қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми бўлмиш қул, иш хайвони ва меҳнат қуролилари берилгани ва кейинчалик бу муомаладан чиқиб кетгани аниқланди. Фарғонада, умуман, Қўқон хонлигида, хонлар томонидан вақф ерларидан фойдани эмас, балки ер солиғи (хирожа ва танопа)ни вақф қилгани таҳлил этилган.

Мақолада исломий меъморий обидалар ва уларнинг вақф мулклари статистикаси, вақф хўжаликлари фаолиятининг умумий жиҳатлари, вақфга оид тарихий ҳужжатлар таҳлиliga эътибор қаратилган. Халқимиз олийҳиммат, қўли очик, сахий бўлгани учун масжид ва мадрасаларнинг иншоотлари шу вақфлар ёрдамида бунёд этилгани тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: вақф, Туркистон, мулкчилик, масжид, мадраса, мактабхона, садақа, қози, қўчмас мулк, архив.

Аннотация: Основная цель статьи - дать информацию о предоставленных мечетям и медресе вакуфных документах на недвижимость, денежные суммы на земельные участки с подписями должностных лиц и представителей различных слоев населения в Туркестане, в частности, Бухаре, Самарканде, Хиве, Хорезме, Ташкенте. Известно что поступления от вакфов использовались для ремонта, восстановления и содержания мечетей и медресе, для выплат ежемесячной заработной платы муэдзинам и имамам, а также стипендий студентам медресе.

Методология: в исследовании были использованы методы исторического и сравнительно-сопоставительного анализа.

В настоящее время в архивах хранятся тысячи вакуфных грамот, созданных в конце 19го - начале 20го вв. В результате изучения этих вакуфных грамот можно получить подробную информацию о том, сколько пожертвований было сделано той или иной мечети или медресе, кто их сделал, где и кем они были подписаны.

Обращаясь к различным историческим документам, мы убеждаемся, что с приходом Ислама в Центральную Азию объектами вакфа становились земли, караван-сарайи, магазины, бани, мельницы и другая доходная недвижимость, а также деньги и книги. В первые века распространения ислама на территории нынешней Наманганской области в качестве вакфов дарились рабы, скот и орудия труда, представляющие собой неотъемлемую часть сельского хозяйства. Позже они вышли из обихода вакфов. В Фергане, а позже и в Кокандском ханстве, ханы использовали не прибыль от вакфных земель, а земельный налог (хираджа и танопа).

Статья посвящена анализу исторических документов, касающихся вакфов, особенностям вакуфных хозяйств, а также статистических данных, касающихся исламских архитектурных памятников вакуфной собственности.

В заключение сделан вывод о том, что ряд мечетей и медресе были построены и существовали на основе вакуфных пожертвований благодаря щедрости представителей нашего народа.

Ключевые слова: вакфы, Туркестан, собственность, мечеть, медресе, мактабхона, подаяние, кази, недвижимость, архивы.

Abstract: The main purpose of the article is to provide information about the waqf documents for real estate provided to mosques and madrassas, money amounts for land plots with signatures of officials and representatives of various segments of the population in Turkestan, in particular, Bukhara, Samarkand, Khiva, Khorezm, Tashkent. It is known that the proceeds from waqfs were used to repair, restore and maintain mosques and madrassas, to pay monthly wages to muezzins and imams, as well as scholarships for madrassah students.

Methodology: the study used the methods of historical and comparative-comparative analysis.

Currently, the archives contain thousands of waqf letters created in the late 19th - early 20th centuries. As a result of studying these waqf letters, you can get detailed information about how many donations were made to a particular

mosque or madrasah, who made them, where, and by whom they were signed.

Referring to various historical documents, we are convinced that with the arrival of Islam in Central Asia, land, caravanserais, shops, baths, mills, and other profitable real estates, as well as money and books, became objects of waqf. In the first centuries of the spread of Islam on the territory of the present Namangan region, slaves, cattle, and tools, which are an integral part of agriculture, were presented as waqfs. Later they dropped out of the use of waqfs. In Fergana, and later in the Kokand Khanate, the khans did not use the profit from the waqf lands, but the land tax (hiraj and tanop).

The article is devoted to the analysis of historical documents concerning waqfs, peculiarities of waqfs, as well as statistical data concerning Islamic architectural monuments of waqfs.

In conclusion, it was concluded that many mosques and madrassahs were built and existed on the basis of wakf donations thanks to the generosity of representatives of our people.

Keywords: *waqfs, Turkestan, property, mosque, madrasah, maktabkhana, alms, kazi, real estate, archives.*

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви ҳужжатлари орасида IX-XV асрлар, XVI-XIX асрлар вақф ҳужжатлари билан бир қаторда биз ўрганаётган даврларга ҳам тааллуқли 1867-1924 йиллар вақф ҳужжатлари ҳам мавжуд. Вақф ҳужжатлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Хоразм ва Тошкентда имзоланган бўлиб, айрим шахслар томонидан кўчмас мулк ёки аниқ пул микдори масжид ёки мадрасаларни таъмирлаш, қайта тиклаш, сақлаш, муаззин ва имомларга ойлик тўлаш, мадраса ўқувчиларига стипендия тўлаш учун ажратилган.

Вақф (وقف) – арабча сўз бўлиб, бевосита таржимаси тўхташни англатади. Кўчма маънода эса, юридик у қўлдан бу қўлга ўтишдан тўхташни билдиради (Van den Berg:1882, 92-93).

Ҳанафийликдаги мусулмон қонуншуносларининг фикрига таяниб, вақфга айлантирилган мулк Аллоҳ йўлига бағишланади. Ундан фойдаланиш ва эгалик қилишга, вақфда кўрсатилган юридик шахснигина ҳуқуқи бор. Биринчидан, вақф таъсис этилаётганда у мавжуд бўлиши (Tornau:1850, 314), иккинчидан, вақф ҳужжатида аниқ қайд этилган бўлиши керак (Tornau:1850, 308).

Вақфнинг энг асосий ва бош мақсадини, шубҳасиз диний эҳтиёж, яъни юқорида қайд этилганидек, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш, унинг розилигига эришиш ҳамда савоб умиди ташкил этган (Zubair A.:2012, 130, Layish A.:2008, 306-307, Kuran T.:2001, 853).

ТАҲЛИЛ

Вақф – мусулмон мамлакатларида давлат ёки мусулмонлар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Вақфнома орқали расмийлаштирилади. Ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, шифохона, раста ва бошқалар вақф мулки бўлиши мумкин (Islom ensiklopediyasi:2017, 122). Ўз мулкани вақфга топширган шахслар мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқни йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс вақф мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун вақф мулкани бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолади. Вақф мулкани шариат қонуни бўйича давлат раҳбари ёки қози назорат қилади (Marg'inoniy Burhoniddin:1994, Muxtasar:1994).

Исломнинг пайдо бўлиши ва тараққийнинг илк даври вақф мулкчилигининг шаклланиш жараёнини бошлаб берди. Ислом дини манбалари – Қуръони карим ва ҳадиси шариф таҳлили шуни кўрсатадики, дастлаб вақф садақа фаолияти асосида шаклланди. Мазкур манбаларда “вақф” сўзи ва у англатган маъно ўрнида садақа, садақаи жория, хайр-эҳсон қабилар ишлатилган бўлиб, “вақф” атама тарзида кейинги даврларда шаклланди ва кенг қўллана бошлади.

Қуръони каримнинг “Бақара”, “Нисо”, “Моид”, “Тавба”, “Иброҳим”, “Мўъминун”, “Қасос”, “Рум”, “Сажда”, “Фотир”, “Ҳадид”, “Мужодала”, “Мунофиқун”, “Тағобун”, “Муззаммил”, “Лайл” каби сураларининг бир неча оятларида садақа ва унинг аҳамияти, хайр-эҳсон қилувчи бандаларни Аллоҳ ўз ажр-мукофоти билан тақдирлаши таъкидланади. “Иброҳим” сурасининг 215-оятда: “Сиздан (эй, Муҳаммад!) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: Ниманики, хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб турувчидир” (Abdulaziz Mansur:2004, 33) дея эътироф этилади. Ислом динининг иккинчи мукаддас манбаси ҳадиси шарифда эса садақа қилишга тарғиб, пайғамбаримиз Муҳаммад ва саҳобалар томонидан таъсис этилган илк вақфлар ҳақида тарихий маълумотлар келтирилади.

Садақа орқали садақа қилувчи шахс ўз мулкани бир йўла моддий ёрдамга муҳтож муайян шахслар ёки жамият манфаатлари учун сарфласа, вақфда эса воқиф (вақф қилувчи) мулкнинг аслини тутиб туради ва фақатгина ундан келадиган фойданигина муайян кишилар ёки хайрия муассасалари – масжид, мактаб, мадраса, хонақоҳ қабиларнинг моддий таъминотига йўналтиради. Шунингдек, вақфнинг асосий хусусиятларидан бири бу вақф мулкларини

вақф ҳужжати асосида муайян шартлар билан расмийлаштириш ҳисобланади.

Вақф фақат қонуний мақсадда, умумфойдаланиладиган, тугамайдиган мулкка (масжид, мадраса, мактаб ва бошқалар) нисбатан авлодли шахс томонидан қилинади (Xida'ya:1893,143). Вақф доимий ва узлуксиз мақсадда таъсис этилади.

Вақф қилинган мулк бир умрга шундайлигича қолади. Уни на сотиб, на гаровга қўйиб, на ҳадя қилиб бўлмайди (Tornau:1850, 308). Агар вақф зарар кўрса, фойда келтиришдан тўхтаса, қози унинг сотилишига рухсат беради (Tornau:1850, 309).

Вақфнома мулк эгалари ўз мол-мулкларини диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун берганлиги тўғрисидаги ҳужжат. Вақфномада мулкнинг вақфга ўтказилиши сабаби, мулк эгасининг номи, вақф мулкidan фойдаланиш тартиби, вақф қилинган мулкнинг бошқарувчиси, гувоҳлар кўрсатилади. Вақфномага гувоҳлар шаҳодати ва қози тасдиғи керак бўлади (Islom ensiklopediyasi:2017, 122).

Қози иштирокида вақфнома (وقفنامه) имзолашда агар у кўрсатилган мулк ўлиmidан сўнг вақфга айланишини таъкидлаган бўлса, вақф қилувчи мулк эгалигини йўқотади. Айрим вақф қилувчилар то ўлимигача мутаваллий бўлиб қолиши ҳақида ҳам қайд қиритади.

Ҳукумат (ҳукмдор) ва суд (яъни, қози) барча маҳаллий вақф мулкларини асраш ва мутаваллийлар устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга. Ҳукмдор ва қози мутаваллий ҳақида ёмон гап эшитса, унинг вақфига эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақлидир (Xida'ya:1893,157). Вақф қилинган мулкдан келадиган фойда (масалан, масжид ёки мадраса), биринчи ўринда ўзини таъмирлаш, яъни иншоотнинг илк кўриниши, меъморий ҳолати, пештоқлардаги битикларни асрашга қаратилган, чунки унинг биринчи кўринишини сақлаб қолиш зарур (Xida'ya:1893,150).

Шундай қилиб, вақф мусодара бўлмайдиган мулк (ملك), бу мулкка солиқ, закот (زكات) берилади, мусулмонлик нуқтаи назаридан нафақат фуқаролик, балки диний (закот, ушр, хирож, таноп) бурч, давлат солиғи эмас, балки Аллоҳ йўлида қилинадиган эҳсон, назр, садақа (камбағал, етим, бевалар ҳаққига ва бошқалар)дир (NGA RUz. F2909. Op.1. D.1).

Мулкнинг вақфга айлантирилиши, олди-сотди, никоҳ шартномаси, ёллаш, қарз бериш, дунёвий ва бошқалар юридик ҳаракатга киради ва муомала (معاملة) ёки аҳд (عقد) деб аталади. Бунинг учун: 1) икки келишаётган томон; 2) ўтган замонда ижоб ва қабул (таклиф ва розилик) (айрим ҳолларда сукут аломати ризо ҳисобланган); 3) келишув имзоланаётганда камида икки гувоҳ бўлиши шарт.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Вақф мулкни ижарага бериш тартиби ва шартига кўра, Ўрта Осиёда, кейинчалик Туркистонда бу турдаги мулклар ижарачи томонидан мазкур мулкни ўзлаштириб олиншининг олдини олиш мақсадида 3 йилдан ортиқ муддатга берилмаган. Аммо ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, узок муддатли ижара – ижара-и тавила амалда кўп учраган. Бу ҳолат вақфнома тузиш вақтида ҳам муҳим шартлардан бири сифатида қайд этилган, аксарият ҳолларда эса, вақф ҳужжатида ижара муддати умуман кўрсатилмаган (Shaykhova A.:1986, 48).

Рус тадқиқотчиси А.Шайхова ўз фикрини тасдиғи сифатида бир неча ҳужжатлардан мисоллар келтиради. Жумладан, 1897-1898 йилларда Муҳаммад Ниёзбой масжидига қарашли Пурханхос мавзесида жойлашган 2 бўлак ер, Гурлан атрофидаги Умарот деган ердаги қорихонага тегишли 6 таноб ер, Хонабоддаги Оллоберган баққол қорихонасига қарашли 5,5 таноб вақф ери 70 йил муддатга, шунингдек, 1893 йилда Гурлан атрофида жойлашган, Муҳаммад Раҳимхон II ихтиёридаги 222,5 таноб вақф ерлари 36 киши ўртасида тақсимланган ҳолда 90 йил муддатга ижарага берилган. Ижара ҳақи миқдори олинган ҳосилдан эмас, балки ижарага олинган ер майдонидан, муайян маҳсулот ҳисобида белгиланган (Shaykhova A.:1986, 49).

Вақф турлари: *вақфи авлодий* ва *вақфи мутлақ* ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, вақфи авлодий авлоддан-авлодга ўтган вақфлар, вақфи мутлақ масжид, мадраса, ҳонақоҳларга қилинган вақфлар (Shaykhova A.:2015, 33).

Вақф мулкчилигининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида асосан икки хил: *аҳлий* ва *хайрий* вақф турлари пайдо бўлган. Аҳлий вақф турида вақф қилувчи мулкни вақфга айлантириб, ундан келадиган даромаддан фақат оила аъзолари ва қариндошлари фойдаланишларини шарт қилса, хайрий вақфда эса кўпчилик вақф даромадидан фойдаланиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, юқорида зикр этилган халифа Умарнинг Хайбардаги вақф мулки билан боғлиқ ҳадис ва Хива вақф ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ислом амалиётида *аралаш* вақф тури ҳам мавжуд бўлиб, бу вақф турида вақф даромадидан нафақат воқифнинг аҳли ва қариндошлари, балки бошқалар, диний ва жамоат муассасалари ҳам фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган (Yaqubov Q.:2018).

Хайрий вақф мулклари ва маблағлари асосида масжидлар, мадрасалар, кутубхоналар, қорихоналар бунёд этилиб, улар доимий равишда вақф даромадлари ҳисобидан таъминлаб турилган.

Мадина шаҳридаги “Масжиди набавий” номи билан машҳур бўлган масжид вақф қилинган ер ўрнида бунёд этилгани тарихий манбаларда қайд этилган (Qureshi M.:1990. 4).

ЎзР МДАининг И-323-фондида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари тарихига оид 1420 га яқин вақфномалар мавжуд (Reichmuth P.:2010.365). Ушбу вақфномаларнинг аксарияти XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги оралиғида тузилган.

Тарихий аҳамиятга молик турли ҳужжатларга мурожаат қилиб, шунга амин бўлдики, Ўрта Осиёда ислом тарқалиши билан бу ерларда вақфга 1) ерлар, 2) қарвонсарой, дўкон, ҳаммом, тегирмон, жувозхона ва бошқа фойда келтирувчи кўчмас мулклар, 3) пул ва 4) китоблар берилган. Исломни тарқалган биринчи асрларида Наманган атрофида вақфга қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми бўлмиш қул, иш ҳайвони ва меҳнат қуроллари берилган. Кейинчалик, бу муомаладан чиқиб кетган. Фарғонада, кейинчалик Қўқон хонлигида, хонлар томонидан вақф ерларидан фойдани эмас, балки ер солиғи (хирож ва таноф)ни вақф қилинган муассасаларда фойдаланилган.

Мисол учун, Бухоро вақф ҳужжатларига назар солсак, ўша 1299 милодий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳақидаги аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин (O`zR MDA, F. II-323, 1-yig`ma jild, 1429-hujjat). Шу жумладан, йирик мулкдор томонидан Бухоронинг шимолидаги суғориладиган ерлар билан бирга тикув устахоналари, тегирмон, турар уй-жойлар, масжидларга кўшиб туриб қишлоқни сотиб олиниши; ёнида яна бир қишлоқ қурилиши ва буларнинг барчаси вақфга, шу мулкдорнинг авлод-аждодлари фойдасига ҳамда диний-хайрия мақсадларга айлантирилиши аниқ ёзиб қолдирилган. Ушбу ҳужжат орқали феодал мулкни, унинг суғорма ерлари, боғлари, узумзорлари, суғориш тизими, хунармандчилик устахоналарини йирик бир хўжалик миқёсида кўриб чиқиш имкониятини беради. Шу билан бирга, қадимги вақф XIII аср Бухоросининг тарихий географияси, қадимги терминологияси ва топонимикасини ёритишда зарурий маълумотлар олиш мумкин. Ушбу манба мўғул босқинида Ўрта Осиё халқларининг ички ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Сайфиддин Боҳарзий (Бухоро шайхи, сўфий, шайхул олам (1190-1261) мақбараси ва ҳонақоҳи бўйича сақланган 3 та номадан икkitаси “Вақф ёрлиқлари коллекцияси” деб номланган И-323 фондда 1-йигма жилдадаги 1183- ва 1196-ҳужжатларда сақлаб қўйилган. Бу вақф ҳужжатларининг муҳимлиги шундаки, уларда Ўрта Осиёнинг мўғул истилоси давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти

ўз аксини топган. Фонднинг 2-йигма жилдида 1-98 ва 22-ҳужжатларда Самарқанд ҳукмдорлари Абу Саид ва Султон Аҳмаднинг мураббийси Хожа Аҳрорнинг (1404-1490) ер ва мулкларининг форс-тожик ва ўзбек тилларидаги 9 та асл васиқа, вақф ва имтиёз ҳуқуқидаги ёрлиқлари ташкил этади. Ҳужжатларда аграр муносабатлар, ижтимоий, юридик ва иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари, Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг XV-XVI асрлардаги қишлоқ ва шаҳар ҳаёти ёритиб берилган.

Сайфиддин Боҳарзий ўз вақфларини ривож учун қул сотиб олиб, оиласи билан уларни озод деб эълон қилиб, шу ерларда ишлашини таъминлаган бўлса, Хожа Аҳрор эса, шуни аксини: озод деҳқонларни қарам қилиб, уларни ерларини ўзлаштириб, ўзининг чоракорига айлантирган (O`zR MDA, F. II-323, 1-yig`ma jild, 2-3-hujjat).

Туркистон ўлкасининг энг катта фойда келтирадиган вақф мулклари, асосан, Фарғонадаги мадрасаларга тааллуқли бўлган. Вақфдан келадиган даромадни тўғри тақсимланиши ва бутлигини таъминлашга мусулмон давлатининг раҳбари ва қозиларга юклатилган. Охириги пайтларга хон ва амирлар янги солиқларни ўйлаб топиш ва шахсий хавфсизлик ва даромадни оширишга, қўшнилари билан урушга берилиб, ўзини васийлари мутававалларига эга бўлган вақфларга эътибор бермай қўйишган (NGA RUz. F2909. Op.1. D.1 S. 7 об.).

Шариат ҳукмларига биноан, вақф ҳужжатларида вақфга эгалик қилиш ҳуқуқи мадраса, қорихона, масжид, мазор ва бошқаларга берилган. Вақфдан келган фойдани бўлишда, асосан, вақф иншоотларини ва кўчмас мулкни сақлаш, таъмирлашга ажратилган. Қолган фойда вақфномада кўрсатилган шахсий таркибга: мутававаллий, мадраса ва қироатхона ўқитувчи ва ўқувчилари, имом хатиб, мақсураҳон, масжид муаззини ва мазор шайхлари ўртасида бўлиниши лозим бўлган (O`zR MDA, F. I-126, 1-ro`uxat, 1995-yig`ma jild, 1-7-hujjat). Лекин бу шарт тўлиқ бажарилмаган. Сабаби масжид, мадраса ва қироатхонанинг шахсий таркиби жуда тез ўзгариб турган (NGA RUz. F2909. Op.1. D.1 S. 8.).

Садриддин Айнийнинг ёзишича, амирнинг “зиёратчилари” ҳар тонгда Пайғамбар Муҳаммад ҳақларига салават ва дуолар ўқиб қайтганлар. Улар давлатдан ҳар ой 30 танга маош олишган. Бундан ташқари, ҳар кун битта нон ва майиз олишган. Бухорода бунақа гуруҳлар кўп бўлган. Ҳар бир гуруҳга 30 нафар одам бўлган. Айрим гуруҳлар саройга ҳар кун, бошқалари ҳафтанинг пайшанба куни, бошқалари эса ҳафтанинг душанба кунлари борган. Мири Араб мадрасасидаги зиёратчилар

эса мадрасада яшаб, ҳар куни боришган (Sadriddin Ayniy:1960, 216).

Мутаваллий, мударрис, имом ва муллалар вақтинчалик ишлаб турганлари учун вақфдан каттароқ улуш олишни ўйлашган, таъмирга ажратилган пул эса, етарли даражада бўлмаганлиги боис, йилдан йилга мадраса ва масжидлар, шу билан бирга, уларга қарашли карвонсарой, тегирмон, садо расталари, ҳаммом, сув етказувчи ёғоч қувурлар эскириб, яроқсиз ҳолга кела бошлаган.

Шу сабабдан Самарқанднинг энг йирик учта мадрасаси Шердор, Тиллақори ва Улуғбек ҳамда Тошкентдаги Бароқхон, Бўрихўжа ва Шукурхўжа мадрасалари нураши бошланган (NGA RUz. F2909. Op.1. D.1 S. 8.).

XVI аср охирларида бунёд этилган Кўкалдош мадрасаси Тошкент шаҳри бозорида бир неча савдо растасига эга бўлган. Расталар таъмирланмаганлиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолса ҳам, мадраса таркиби вақфда инобатга олинмагани учун фойдани раста таъмирига сарфлашни истамаган. Ўз ҳисобидан таъмирлаб, фақатгина тошжой тўлаш эвазига айрим шахслар узоқ йиллар ушбу расталардан фойдаланишган. Руслар келгач, савдогарлар тошжой тўлашдан бош тортди, вақф ҳужжати йўқотилгани маълум бўлди (NGA RUz. F2909. Op.1. D.1 S. 9.).

Зарафшон округи (ўша пайтда Самарқанд вилояти Самарқанд ва Каттақўрғон уездлари) вақф ишини таҳлил қилсак, Самарқанддаги Тиллақори мадрасаси толиблари томонидан мутаваллий устидан шикоятлари бўйича Зарафшон округи собиқ бошлиғи, генерал майор Абрамов 1873 йили Ўлканинг бош нозири рухсати билан Тиллақори, Шердор ва Улуғбек мадрасаларининг ер вақф мулклари бундан буён мутаваллийларга эмас, балки рус администрациясига ижарага берилиши ҳақида қарор қабул қилди.

1874 йили Зарафшон округи бошлиғининг 17 июндаги 2820-сонли циркуляр кўрсатмаси билан, рус администрациясига ижарага берилиши бутун округга тааллуқли қилиб қўйилди; 1876 йил май ойида эса, вақф ерларининг ҳажми ва фойдасини ҳисоблаш учун махсус комиссия тузилди. 1878 йилдан бошлаб, Зарафшон округидаги барча вақф ерлари рус администрацияси тасарруфида эди. Барча вақф мулклари назоратга олинган, фойдалари ҳақида маълумот қайд этиб борилган.

1886 йилнинг 12 июнида Туркистон ўлкасини бошқаришга тааллуқли ва ер-мулк солиғи қоидалари ишлаб чиқилди.

Юқоридаги қоидаларнинг 23- ва 24-моддаларига мувофиқ, Туркистон генерал губернатори, генерал

лейтенант Вревскийнинг 1891 йил 10 апрелида махсус кўрсатмалари ишлаб чиқилди.

Ўқув ведомостларининг маълумотларига кўра, 1894 йилда маҳаллий мадрасаларга:

Вақф мулклари номи	Сирдарё вилояти	Фарғона вилояти	Самарқанд вилояти	Ўлкада жами
Савдо расталари	198	1820	90	2208
Растаости жойлар	912	62	-	974
Карвонсаройлар	10	41	7	58
Кафанхона	3	6	-	9
Ҳаммомлар	6	17	1	24
Тегирмонлар	4	8	3	15

вақф қилинган.

Бундан ташқари:

1) Облиқ мадрасасига Тошкент уездидаги Облиқ кишлоғи бозор ҳудудидаги барча жой;

2) Қўқондаги Мадалихон мадрасасига Қўқон шаҳридаги тошқўмир ва туз бозорлари;

3) Қўқондаги Жомий мадрасасига Қўқон уездидаги Яйпан кишлоғидаги бутун бозор ҳудуди;

4) Чимён мадрасасига Марғилон уездидаги Чимён кишлоғи бозор ҳудудидаги барча жой.

Масалан, 1894 йилда Тошкентдаги Эшонқули Додхо мадрасасига қарашли бўлган 40 та савдо растаси, 165 та раста ости жой, 2 та карвонсарой, 1 та тегирмонлардан тушган тоза фойда, таъмирлашга кетган пулдан ташқари 2000 рублга тенг бўлган; Тошкентдаги Хожа Аҳрор мадрасасига 52 та савдо растаси, 300 та растаости жой, 1 та карвонсарой ва 2 та кафанхонадан 670 рубль; Зангиота мадрасаси Тошкентдаги вақф қилинган ҳаммомдан 600 рубль фойда кўрган.

Тошкентдаги Маҳмуд дастурхончи мадрасаси мутаваллийси Эшонхонхўжа 80-йиллар охирида Маккага кетиб, қайтиб келмаган. Ўз ўрнига ўғлини Султонхўжани қолдирган. У ўз навбатида Қўқонга кўчиб, ўрнига Эшонхўжани қолдирган. Эшонхўжа эса, савдо ишлари юзасидан Чимкентда яшаган. Мадраса биноси ва унга қарашли вақфлар назоратсиз қолиб кетган.

Тошкентдаги Хожа Аҳрор Валий мадрасасида 1890 йилларда икки мутаваллий бўлган. Вақф ва мадраса биноси билан кичиги шуғулланган. Каттаси ҳеч қачон мадрасага келмаса-да, фойдадан икки ҳисса улуш олган (NGA RUz. F2909. Op.1. D.1 S. 15 ob.).

Бундан кўриниб турибдики, Туркистон даврида руслар босқинидан кейин ҳам вақф мулклари мадраса ва масжидлар учун аҳоли томонидан ажратилаверган. Вақф мулкларидан тушган фойдадан мадраса ва масжидларининг таъмири билан бир қаторда мутаваллий, домла, имом-хатиб, мақсурахон, толибларга маош ажратишган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий давлат архиви И-323 фондининг 1- ва 2-китобларида аждодларимиз томонидан вақф қилиб қолдирилган мулклар, кимга ва қаерга аталгани, қайси қози имзолагани ҳақида батафсил маълумот бор. Биз шу зайдда, ўрганилаётган даврга тааллуқли бўлган ҳамда масжид, мадраса, ҳонақо, мазорлар учун қилинган вақфларнинг жадвалини иловада келтириб ўтдик (1-Илова).

И-323 фондининг 1-жилди 84-ишидаги ҳужжатлар жуда кўп ер-мулклар масжид ва мадрасалари вақф қилинган. Яна бу ерда олди-сотди шартномалари ҳам мавжуд.

1327 хижрий 1909 йилда Миркамолиддин ибн Мирмахмуд 77,5 таноб ерни, мадраса ташқаридаги 2 та дўконни мадраса толибларига маош сифатида Қултегин гузаридаги Миркамол мадрасасига вақф қилган (О`зР МДА, Ф. И-323, 1-yig`ma jild, 69-hujjat).

1305 хижрий 1887 йилда Қори Мирисматуллох ибн Қори Мирак вакиллигида Саидабегим бинти Мулло Мир Ханиф 4 қисмдан иборат мулкни вақф қилган. 18 қисмдан бирини сарой хужралари ва Моҳитобон гузарида жойлашган дўконларини марҳум Мулло Мирзо Абдурахмон Аъламнинг мадрасасига вақф қилинган. Мадраса Мирзо Ҳайдар гузарида жойлашган. Мутаваллий этиб Бухорода мухтасиб бўлиб ишлаётган кишига бўлсин. Мутаваллий ушрни 5 қисмга бўлсин. 1 қисми имомга, 1 қисми мадраса муаззинига, 2 қисми 4 га бўлиб: 2 қисми Рамазонда таровех ўқийдиган қорига берилсин, яна 1 қисми хатмга ширинликлар олиш учун ишлатилсин (О`зР МДА, Ф. И-323, 1-yig`ma jild, 58-hujjat).

1315 хижрий 1897 йилда Абдушукурбой Қорақўлдаги Тузайли қишлоғида жойлашган 300 таноб ерни, 7 та тош дўконни ўзи қурдирган мадрасага вақф қилади. Шартига кўра, то тирик эканман, мутаваллий ўзим бўламан. Абдулаҳатхоннинг мухри бор (О`зР МДА, Ф. И-323, 1-yig`ma jild, 28-hujjat).

Яна бир вақфни таҳлил қилсак:

Аллоҳга ҳамду санолар ва саловотлар бўлсин! Абдулҳафизбой Бухорий валади Мулло Абдулмажид ўзини мулкидан диний илм олувчи талабаларнинг яшаши учун Бухоронинг Поччоқулихожи гузарида жойлашган Султонни ҳиммати билан пишган ғишт ва ганждан мадраса бино қилиш учун ўз мулкидан 60 минг вақф қилдим.

Шарти шуки: бу вақфнинг шаръий мутаваллийси Бухоро шаҳрининг қозул куззоти бўлсин! 60 минг танга маблағдан мадраса қурилишига сарфлансин. Агар ушбу маблағдан ортиқ қолса, ер сотиб олинсин, ушбу ерни шу мадрасага вақф қилинсин. Кейин ердан олинган ҳосилдан ушр олиб, мадраса хужраларида яшайдиган толиби илмларга тақсимлансин. Яна

васият қиламанки, ўзимни Бухоро шаҳрининг Чорқарвонсарой гузарида жойлашган битта ёғоч дўконимни вақф қиламан. Шарти шуки, мутаваллий (қози ул куззот) бундан ҳам ушр олиб, уни 7 қисмга бўлсин. 3 қисмини илми толибга берилсин, 1 қисмини мадраса муаззинига, 1 қисмини мадраса сартарошига, 1 қисмини фаррошга, 1 қисмини эса мешкопга берилсин. Яна шарти шуки, мадраса мударриси ва имоми ўқиш жараёнида талабаларга дарс бериши шарт. Муаззинга эса, 5 вақт намозга азон ва иқомат айтиши керак. Фаррош мадрасани супуриб-сидириши керак, сартарош эса мазкур мадраса аҳлини соч ва соқолини олиши керак, мешкоп эса, мазкур мадраса аҳлини сув билан таъминлаши керак. Шаърий узрсиз бу ишни тарк этмаслиги керак. Мадрасада 17 та хужра бор, дарсхона, 1 та ёғоч хужра ва 1 та ёғоч айвон, ғуслхона, мустаҳабхона, ётоқхонадан иборат. Қурилишга 45.300 танга кетган, қолган 14.700 тангага Чоржўй вилоятининг Чўқча Нут мавзесидан 66 таноб ер сотиб олиниб, ҳосилдан ушр олиб тарқатиши шарти билан васиятга мувофиқ вақф қилинди.

1328 йил хижрий Зулқаъда ойи

1910 йил милодий 3 ноябрь

(О`зР МДА, Ф. И-323, 1-yig`ma jild, 73-hujjat).

Навбатдаги вақфни кўрайлик:

1289 хижрий роббиюл аввалда 1872 милодий май ойида Биби Нодира бинти уста Аваз Бадал иқроор бўлиб, ўзини шахсий мулкидан вақф қилади. Бухоро шаҳридаги Сомчин туманидаги Сийрак қишлоғидаги Қаландарбаққол масжидига 1,5 таноб ерни вақф қилади. Шарти: мазкур масжидга имом бўлган ҳар бир илм толибини мутаваллий қилиб тайинлайди ва вақф шартига кўра имом ҳар бомдод намозидан сўнг 3 марта ихлос, ҳар пайшанба ва душанба кунлари аср намозидан сўнг мулк сурасини ўқиб савобини воқифга ва Мирзабой фарзанди руҳига бағишласин. Ердан олинган ҳосилни ўз рўзғорига сарфласин (О`зР МДА, Ф. И-323, 1-yig`ma jild, 1151-hujjat).

1308 хижрий 1890 милодий йилда Мулла Саид Аҳмад Баротбой ўғли қорасоқол, узунчоқ юзли, қалин қошли Бухоро шаҳрида қозининг олдига келиб, шуни эътироф этдики, тахминан 2 таноб хирожлик ерни мазкур шаҳардаги Қарон номи билан машҳур ғарбдан ариқ билан чегарадош; шимолдан ҳам ариқ билан чегарадош; шарқдан ўзимни ерим билан чегарадош; жанубдан Гадоийниёз ибн Раҳмат ери билан чегарадош. Бу еримни Кўклан Калон гузаридаги масжидга вақф қилдим. Вақф шартларига кўра мутаваллий этиб масжид имоми тайинланади. Мутаваллий ердан олинган ҳосилни қишлоқ таомилига кўра истифода этади. Ҳосилдан олинган ушр пулини 6 қисмга бўлсин. Бир қисми масжид муаззинига, 5 қисмини эса ўзига олсин.

Ҳар бомдод намозидан сўнг масжидда ўтириб, Салоту Маюдийдан ўқисин. Сўнг қурби етганича оятлар ўқисин. Қуръони каримдан ўқиб, дуойи фотиҳа қилсин. Савобини воқиф ва унинг авлод аждодларига бағишласин. Шаърий сабабсиз бу ишни тарк этмасин. Гувоҳлар: Абдулҳамид, Мирзо Якуб, Мироятуллоҳ оқсоқол, Хожи Мирқивомиддин, Султонхўжа ва бошқалар (O`zR MDA, F. I-323, 1-yig`ma jild, 1326-hujjat).

ХУЛОСА

Туркистонда вақфлар учта тури бўлиб, унинг асосий шартларидан бўлган, вақф қилувчининг исми, отасининг исми, вақф қилинаётган масжид ёки мадрасанинг номи, агар ер мулки вақф қилинаётган бўлса, унинг чегаралари, ҳажми, пул миқдори, дўкон ёки раста бўлса жойлашган кўчаси ва чегарадошлари, ҳаммаси батафсил вақфномада кўрсатилган. Масжид ёки мадрасага аталган вақфнинг шартлари бирма бир санаб кўрсатилган. Ердан тушган ушрнинг неча қисми, кимгалигича қайд этилган.

Умуман олганда, юртимиздаги исломий меъморий обидалар ва уларнинг вақф мулклари статистикаси, вақф хўжаликлари фаолиятининг умумий жиҳатлари, вақфга оид тарихий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Муҳими, ҳалқимиз азалдан ҳатто, ўша пайтда ҳам сахий, олийҳимматли, қўли очиқ бўлгани яна бир бор ўзининг исботини топди. Қисман бўлса ҳам, шу вақфлар ёрдамида масжид ва мадрасалар иншоотлар бунёд этилгани аниқланди ва архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинди.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулазиз Мансур. (2004) Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент, – Б. 33.
2. Bekmirzaev, I. (2014). Hanafi Legal Documents in Transoxiana. The Advanced Science Journal, 5, 55-58.
3. Bekmirzaev, I. (2020). Subject: qādi's dīwān activities in islam (the 10th-13th centuries). The Light of Islam, 2020(2), 98-109.
4. Bekmirzaev, I. (2014). Model documents and collection of formulas tradition in the classic Sunni Islam. In (No. 22, pp. 120-126). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
5. Bekmirzaev, I. (2015). Особенности делопроизводства в учреждениях кази Маверауннахра.. Sociosfera, (2), 18-20. (In Russ.)
6. Бурхониддин Марғиноний. (1994) Ҳидоя. – Т..
7. Ван ден Берг Л. В. Х. (1882) Основные начала мусульманского права, согласно учению имамов Абу Ханифы и Шафии. - СПб. – С. 92-93.
8. Ислом. Энциклопедия. (2017) – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – Б. 122.
9. Zubair A.M. (2012) The Classical Islamic Law of Waqf: A Concise Introduction // Arab Law Quarterly 26. – P. 130;
10. Ziyatullayev, Ziyodilla (2020) The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam, The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/21>
11. Kuran T. (2001) The Provision of Public Goods under Islamic Law: Origins, Impact, and Limitations of the Waqf System // Law & Society Review, Vol. 35, No. 4 (2001). – P. 853.
12. Layish A. (2008) Waqfs of Awlād al-Nās in Aleppo in the Late Mamlūk Period as Reflected in a Family Archive // Journal of the Economic and Social History of the Orient, Vol. 51, No. 2. – P. 306-307;
13. Мухтасар (Шариат қонунларига қисқача шарҳ). – Т., 1994.
14. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. THE CULTURE OF TOLERANCE IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION: METHODOLOGY OF RESEARCH, REALITY AND PROSPECT http://sociosfera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
15. Muhamedov N. (2015) Keffal Şaî'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
16. Matibaeva, Raziya (2019) "SACRALIZATION AND TRADITIONALIZATION OF PERSONALITY ABU KHANIFA IN MAVARANNAHR," The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/3>
17. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020) Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 <http://www.sarj.com>
18. НГА РУз. Ф. 2909. Оп.1., д.1. Записка о положении вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. – Ташкент: Типография штаба Туркестанского края. 1900. – С. 2.
19. Садриддин Айни. Воспоминания. Перевод с таджикского Анну Розенфельд. –М.-Л.: Академия наук СССР. – С. 216.
20. Reichmuth P. (2010) "Lost in the Revolution": Bukharan waqf and Testimony Documents from the Early Soviet Period // Die Welt des Islam. 50. – P. 365.
21. Торнау. (1850) Изложение начала мусульманского законовещения СПб.: Тип. 2 Отд. собств. е.и.в. канцелярии, 1850. - 621 с. – С. 314.
22. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) «Social and cultural life of the shiite communities of central asia in the XX-early XXI centuries,» The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/12>

23. Хидая: Комментарии мусульманского права. (1893) Перевод с английского. Т. 1 / Пер. под ред.: Н.И. Гродеков. – Ташкент: Типо-лит. С.И.Лахтина. – 535 с. – С. 143. (in Russ.).
24. Fuzailova, Gavhar (2020) “Eastern thinkers on the pedagogical mastery” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/19>
25. Шайхова А. (1986) Документы об аренде вакуфных земель в Хивинском ханстве XIX – начала XX века // Общественные науки в Узбекистане., 1986. №1. – С. 48.
26. Шайхова А. (2015) Правовая и фискальная динамика землевладения в Хорезме (XIX - начало XX в.), Восток- ORIENS, 4 (2015): 32-46.
27. Sultonov, Asliddin (2019) “The new philosophical paradigm of cultural development,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 25. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/25>
28. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. (2020) Public education in Uzbekistan history of formation and development. International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. <http://ijsshr.in/v3i7/2.php>
29. Qureshi M.A. (1990) Waqfs in India... A Study of Administrative and Legislative Control. – New Delhi, 1990. – P. 4.
30. Якубов Қ.Х. (2018) XIX асрнинг II ярми – XX аср бошида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.
31. Yovkochev, S. (2012). Role of traditions in the religious education in Uzbekistan. Himalayan and Central Asian Studies, 16(3/4), 24.
32. Yovkoshev, Sh. (2018). Islam in Uzbekistan: the history and modernity. The Light of Islam, 2018 (1), 2.
33. ЎзР МДА. Ф. I-126, 1-рўйхат, 1995-йиғма жилд, 1-7-хужжатлар.
34. ЎзР МДА. Ф I-323 Фонди, 1-йиғма жилд, 2-3, 28, 58, 69, 73, 1151, 1326, 1429-хужжатлар.
6. Burhoniddin Marg'inoniy. (1994) Hidoya. – Т. (in Uzb.)
7. Van den Berg L. V. H. (1882) Osnovnye nachala musul'manskogo prava, soglasno ucheniju imamov Abu Hanify i Shafii. - SPb. – S. 92-93. (In Russ.)
8. Islom. Enciklopediya. (2017) – Т.: O'zbekiston milliy enciklopediyasi, – B. 122. (in Uzb.)
9. Zubair A.M. (2012) The Classical Islamic Law of Waqf: A Concise Introduction // Arab Law Quarterly 26– P. 130.
10. Ziyatullayev, Ziyodilla (2020) The social-political situation in Central Asia on the eve of the advent of Islam, The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 21. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/21>
11. Kuran T. (2001) The Provision of Public Goods under Islamic Law: Origins, Impact, and Limitations of the Waqf System // Law & Society Review, Vol. 35, No. 4– P. 853.
12. Layish A. (2008) Waqfs of Awlād al-Nās in Aleppo in the Late Mamlūk Period as Reflected in a Family Archive // Journal of the Economic and Social History of the Orient, Vol. 51, No. 2– P. 306-307.
13. Muhtasar (1994) (Shariat qonunlariga qisqacha sharh). – Т. (in Uzb.)
14. Мухамедов Н.А.(2014) Idei tolerantnosti i gumanizma v deyatelnosti uchonix sufiev oazisa Tashkent. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosfera.com/files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
15. Muhamedov N. (2015) Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
16. Matibaeva, Raziya (2019) “Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr,” The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 4, Article 3. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss4/3>
17. Mukhamedov N., Turambetov N. (2020) Memorial complex of the Sultan Uwais Baba – one of cult historical centers in Central Asia // ACADEMICIA : An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Reviewed International Journal) Vol. 10 Issue 6, June 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 <http://www.saarj.com>
18. NGA RUZ. F. 2909. Op.1., d.1. (1900) Zapiska o polozhenii vakufnogo dela v Turkestanskom krae do i posle ego zavoevaniya. – Tashkent: Tipografiya shtaba Turkestanskogo kraya. – S. 2. (in Russ).
19. Sadridin Ayniy. (1960) Vospominaniya. Perevod s tadjhiskogo Anny Rozenfel'd –M.-L.: Akademiya nauk SSSR. – S. 216. (in Russ.)
20. Reichmuth P. (2010) “Lost in the Revolution”: Bukharan waqf and Testimony Documents from the Early Soviet Period // Die Welt des Islam. 50. – P. 365.
21. Tornau. (1850) Izlozhenie nachala musul'manskogo zakonovedeniya SPb.: Tip. 2 Otd. sobstv. e.i.v. kanceljarii, - 621 s. – S. 314. (in Russ.).

REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2004) Qur'oni Karim ma'nolarining tarzhima va tafsiri.– Toshkent. – B. 33. (in Uzb.)
2. Bekmirzaev, I. (2014). Hanafi Legal Documents in Transoxiana. The Advanced Science Journal, 5, 55-58.
3. Bekmirzaev, I. (2020). Subject: qāḍī's dīwān activities in islam (the 10th-13th centuries. The Light of Islam, 2020(2), 98-109.
4. Bekmirzaev, I. (2014). Model documents and collection of formulas tradition in the classic Sunni Islam. In (No. 22, pp. 120-126). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
5. Bekmirzaev, I. (2015). Osobennosti deloproizvodstva v uchrezhdeniyah kazi Maveraunnahra. Sociosfera, (2), 18-20. (In Russ.)

22. Toxtiev, Shuhrat Mr (2020) "Social and cultural life of the shiite communities of Central Asia in the XX-early XXI centuries," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/12>
23. Hidayat: Kommentarii musul'manskogo prava. (1893) Perevod s angliyskogo. T. 1 / Per. pod red.: N.I. Grodekova. – Tashkent: Tipo-lit. S.I. Lahtina. – 535 s. – S. 143. (in Russ.).
24. Fuzailova, Gavhar (2020) "Eastern thinkers on the pedagogical mastery," The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss2/19>
25. Shayhova A. (1986) Dokumenty ob arende vakufnyh zemel' v Hivinskoy hanstve XIX – nachala XX veka // Obshchestvennye nauki v Uzbekistane. №1. – S. 48. (in Russ.).
26. Shayhova A. (2015) Pravovaya i fiskal'naya dinamika zemlevladieniya v Horezme (XIX - nachalo XX v.), Vostok- ORIENS, 4: 32-46. (in Russ.).
27. Sultonov, Asliddin (2019) "The new philosophical paradigm of cultural development," The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 25. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss4/25>
28. Khatamov Tokhir Abdumutalovich. Public education in uzbekistan history of formation and development. International Journal of Social Science And Human Research ISSN(print): 2644-0679, ISSN(online): 2644-0695 Volume 03 Issue 07 July 2020 Page: 72-75. <http://ijsshr.in/v3i7/2.php>
29. Qureshi M.A. (1990) Waqfs in India... A Study of Administrative and Legislative Control. – New Delhi. – P. 4.
30. Yakubov Q.H. (2018) XIX asrning II yarmi – XX asr boshida Hiva honligida vaqf instituti (tarihiy-manbashunoslik tahlili). Tarih fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – T. (in Uzb.)
31. Yovkoshchev, S. (2012). Role of traditions in the religious education in Uzbekistan. Himalayan and Central Asian Studies, 16(3/4), 24.
32. Yovkoshchev, Sh. (2018). Islam in Uzbekistan: the history and modernity. The Light of Islam, 2018 (1), 2.
33. O'zr MDA. F. I-126, 1-ro'yhat, 1995-yig'ma jild, 1-7-hujjatlar. (in Uzb.)
34. O'zr MDA. I-323 Fondi, 1-yig'ma jild, 2-3, 28, 58, 69, 73, 1151, 1326, 1429-hujjat. (in Uzb.)